



## БУНЁДКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ ҲАҚИДА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевга Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик лойиҳаларининг бориши ҳақида ахборот берилди.

Сўнгги йилларда пойтахтимиз улкан бунёдкорлик майдонига айланди. Кўплаб турар жойлар, ишбилармонлик марказлари, корхоналар, хиёбонлар барпо этилди. Энди урбанизация жараёнида узқини ўйлаб, қурилишлар шаҳар ташқарисига амалга оширилмоқда.

Улардан энг муҳимлари — Олимпия шаҳарчаси ва Янги Тошкент лойиҳаларидир.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили 9 ноябрь кuni Олимпия шаҳарчаси қурилишига тамал тоши қўйган эди. Унинг майдони 100 гектар бўлиб, 10 минг ўринли енгил атлетика ва футбол стадиони, 6 та ёпиқ ва 7 та очиқ спорт иншоотлари, сув спорти саройи, велотрек, яккакураш, жамоавий спорт мажмуалари барпо этилади. Бу ерда 2025 йилда Ёшлар ўртасидаги Осиё ва Парасиё ўйинлари ўтказилади.

Лойиҳа дунёнинг 70 та мамлакатда спорт иншоотлари қурган Хитойнинг "САНС Engineering" компанияси билан биргаликда амалга оширилмоқда. Қурилишга мингдан зиёд ишчи ва муҳандислар, илгор техникалар жалб қилинган. Ҳозирги кунга қадар 7 та асосий бинонинг ер ости ишлари тўлиқ бажарилган. Навбатдаги босқичлар жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Ушбу ҳудуд яқинида яна бир шаҳар — Янги Тошкент қурилиши режалаштирилган. Президентимиз жорий йил 18 март кuni унга тамал тоши қўйган эди. Лойиҳанинг биринчи

босқичида 60 минг аҳолига мўлжалланган кўп қаватли уйлар, давлат идоралари учун маъмурий бинолар, боғлар, ижтимоий ва иқтисодий объектлар барпо этилади.

Тақдиротда шу борадаги дастлабки ишлар ҳақида ахборот берилди. Бугунги кунда шаҳарни лойиҳалаштириш ва қурилишни мувофиқлаштириш учун дирекция тузилган. Ҳудуд чегаралари тасдиқланиб, Кадастр агентлиги билан инвентаризация қилинган. Инфратузилма ва меъморий ечимларнинг турли босқичлари бўйича Сингапур, Буюк Британия, Нидерландия, Туркия компаниялари ва маҳаллий тадбиркорлар билан шартномалар тузилган.

Хусусан, Сингапурнинг "Meinhardt group" компанияси томонидан ишлаб чиқилган лойиҳада ижтимоий соҳа объеклари жойлашуви, транспорт тармоқлари ва уларни пойтахтимиз билан боғловчи йўللарга алоҳида эътибор қартилган.

Тақдиротда, шунингдек, Ислоҳ цивилизация марказининг ички меъморий қиёфаси ҳақида ҳам маълумот берилди. Марказдан ўрин оладиган музейда мутафаккир боболаримизнинг илмий мероси, улар яшаган давр муҳити акс эттирилади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни ўз вақтида, сифатли барпо этиш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди.

Ў.А.

## ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

# ТАРИХНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИНИ ЯРАТАЁТГАН ХАЛҚ

“Биз ислохотларимизнинг илк кунлариданоқ инсон кадрини улуғлашни энг олий кадрият сифатида эътироф этдик ва бу борада катта ўзгаришларни бошладик! Ягона мақсадимиз — адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш орқали халқимизни рози қилишдан иборат!”. 2016 йили Президентлик вазифасини бажаришга киришган Шавкат Мирзиёев фаолиятининг илк кунлариданоқ бошлаган туб ўзгаришлар асосига ана шундай буюк гоёни қўйди ва уни жамиятимиз ҳаётига изчиллик билан жорий этиб келмоқда.

▶ Давоми 3-бетда



## ДАХЛДОРЛИК

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҲОЯСИ РЎЁБИ

## Учинчи Ренессанс пойдевори кафолатидир

Жорий йил мамлакатимизда ўтказилган икки муҳим сиёсий тадбир — янги таҳрирдаги Конституциямизни қабул қилиш учун ўтказилган умумхалқ референдуми ҳамда Президент сайлови жуда кўп масалаларга аниқлик киритди. Хусусан, халқимиз энди ҳар жиҳатдан, айниқса, онг-тафаккури ўзгарган тарзда сиёсий ҳаётга фаол аралашиб, ўз етакчисини холисона танлаш, унинг атрофида жипслашуви янги Ўзбекистоннинг пировардида, Учинчи Ренессанснинг пойдевори қурилишини кафолатлашини тушуниб етди. Бу жуда катта ўзгариш, ўтказилаётган сиёсий ислохотлар ва янгиланишлар самарасидир.



Президентимизнинг лавозимига киришиш олдидан тантанали маросимдаги нутқи янги Ўзбекистон шароитида давлатчиликни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ривожлантириш концепцияси мазмун-моҳиятини яққол акс эттирди. Мамлакат раҳбари ижтимоий давлатчилик йўлидан бориш концепциясини илгари сурар экан, бу йўл, бу тизимни яратиш ўта мураккаб жараён эканига эътибор қаратди. Албатта, асрлар давомида катта умидворлик билан шу кунларга етиб келган халққа муносиб турмуш шароитини яратиш осон кечмайди. Шу боис, Президентимиз фаолиятининг илк кунлариданоқ ижтимоий давлат мезонларини ҳаётга татбиқ этар экан, улуғ мақсадларни амалга оширишда ижтимоий оннинг юксалишига, аҳолининг интеллектуал салоҳиятига, ёшларнинг ташаббускорлигига суяниш лозимлигини таъкидлаб келади.

▶ Давоми 5-бетда

## МУНОСАБАТ

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИНТЕГРАЦИЯСИ

## барқарор тараққиётни таъминлаш учун ноёб имконият

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қўшнилар билан дўстона алоқаларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш йўлида катта ўзгаришларга асос солди. Бу борада Президентимиз ташаббуслари олий даражада қўллаб-қувватлангани ҳолда, ўтган қисқа даврда Марказий Осиёда сиёсий муҳит сезиларли даражада яхшиланиб, чинакам яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч руҳи шаклланди. Минтақада икки ва кўп томонлама ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди.

▶ Давоми 2-бетда

## ОЧИК МУЛОКОТ ОЛДИДАН

# ЙИРИК ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ҲАР БИР ТУМАНИГА КИРИБ БОРАДИ

Юртимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, бўш иш ўринлари яратиш, ҳар бир кишининг муносиб ишли бўлишига қўмаклашиш доимий тарзда кун тартибига чиқаётгани бежиз эмас. Боиси, халқ фаровон, оилалар тинч-тотув яшашининг асоси ҳам, камбағалликни қисқартириш-у, маҳаллаларда жиноятчилик ва бошқа салбий ҳолатлар олдини олишнинг муҳим шартларидан бири ҳам одамларни иш билан таъминлаш, доимий даромадга эга бўлишига қўмаклашишдан иборат.

▶ Давоми 2-бетда



## АГРАР ТАРМОҚ

# Сув ТАНҚИСЛИГИ

### унинг хавф оқибатларини қандай юмшатиш мумкин?

1 августдан Қашқадарё ва Сурхондарё, 20 августдан бошлаб эса Тошкент вилоятида сув учун тарифлар оширилишига доир хабарлар ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Эътиборли жиҳати, бунга эътирозли фикрлар билан бир қаторда, нархлар ошиши мазор талабларига мослашуви, айниқса, сув танқислиги муаммоси тобора кучайиб бораётган айтилиши ва шунинг билан бир қаторда, исрофгарчиликнинг олдини олишнинг самарали усули ўлароқ бугунги кун зарурати эканига оид қарашлар ҳам кўп бўлди.

▶ Давоми 4-бетда

## ТАЖРИБА

# ШОЛИДАН ИККИ МАРТА ҲОСИЛ ОЛИШ

## Ўзбекистонда янги технология йўлга қўйилди

Яқинда эрта тонгдан водий вилоятларининг қишлоқ хўжалиги бошқармалари бошлиқлари, етакчи шиликор фермерлар, деҳқонлар, олим уқитувчилар Андижон вилояти Избоскан туманида йиғилди. Улар шу кунги юртимизда илк бор механизация ёрдамида экилган шили кўчатларининг биринчи ҳосилини ўриб олиш жараёнига гувоҳ бўлишди. Апрель ойида тажриба сифатида экилган ўртапишар, серҳосил “Искандар” нави шили кўчатлари ёзнинг қоқ ўртаси — 27 июлда пишиб етилгани-ю, унинг кетидан иккинчи ҳосил учун яна эртапишар шили нави кўчатлари ерга қадалгани чин маънода тарихий воқеа бўлди.

Бу шили экинидан йилда бир неча мартаба ҳосил олишни мақсад қилган Шиличилик илмий-тадқиқот институти олимларининг доимий ишланислари ва янги тажрибалари маҳсули, десак муболага эмас.

▶ Давоми 4-бетда

Тадқиқотчилар бу борада Жанубий Кореянинг КОРІА маркази мутахассислари билан ҳамкорликда иш олиб борди.



## ОЧИК МУЛОҚОТ ОЛДИДАН

# ЙИРИК ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАР

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ҲАР БИР ТУМАНИГА КИРИБ БОРАДИ



**Зийодбек ЙҮЛДОШЕВ,**  
Тошкент вилояти  
Камбағалликни  
қисқартириш ва бандлик  
бошқармаси бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Камбағалликни қисқартириш бевосита аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ экани кундай равшан. Бунинг учун ҳар бир ҳудуд масъуллари зиммасига аниқ вазифалар юқланяптики, мақсад одамларни ўзи истаган соҳа ёки ишга йўналтириб, уларни рози қилишдан иборат. Ушбу вазифаларни бажариш учун эса барча соҳаларни барқарор ривожлантириш ҳамда кўпроқ инвестициялар жалб этишга катта эътибор қаратишмоқда.

Тошкент вилоятида ҳам инвестицион лойиҳалар кўлами йил сайин кенгайиб бораётганининг боиси шунда. Хусусан, ўтган йили тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми 135 фоиз ўсган бўлса, жорий йилнинг олти ойида 240 миллион долларлик 322 та инвестицион лойиҳа ишга туширилиб, 8 мингта иш ўрни яратилган. Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 2 август кунини вилоят таъшири чоғида “Чирчиқ” кимё-индустриал технопаркида ана шундай янги

соноат, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳа мажмуаларининг яна бир нечасини ишга туширар экан, бундай лойиҳаларни ҳар бир туман ва шаҳарда амалга ошириш, улар орқали кўлаб иш ўринлари яратиш зарурлигини таъкидлади.

### Камбағаллик даражасини 7,9 фоизга тушириш мақсад қилинган

Бандликни таъминлаш учун, аввало, ишсизлик кўрсаткичларини аниқлаш, омилларини ўрганиш уринли бўлади. Юртимизда камбағаллик даражаси илк бор эълон қилинган кундан бошлаб ҳар бир ҳудудда бу ишлар амалга оширилляпти. Яъни мавжуд ҳолатни беркийтиш эмас, балки унга қарши курашиш, камбағалликни қисқартириш чораларини кўриш йўли танланди.

Тошкент вилоятида айни кезде 116,7 миң ишсиз мавжуд. 142 миң нафари эса мамлакатимиздан ташқарига ёки чет давлатларга ишлашга кетган. 10,9 миң ёш олий таълим, 16,5 миң нафари касб-хунар таълимида ўқиса, 28,6 миң нафари мактаб битирувчиларидир. Шулардан келиб чиқиб, жорий йилда 480 миң аҳолини даромад келтирадиган меҳнат билан банд қилиш бўйича тармоқлар кесимида мақсадли кўрсаткичлар шакллантирилган. Бу фуқароларнинг 248,4 миңи биринчи ярим йилликда доимий ва мавсумий ишларга жалб қилинди. Шунингдек, турли соҳалар, хусусан, қурилиш-транспорт, коммунал ва уй-жой қурилиши, қишлоқ хўжалиги, туризм ва маданият, молия-иқтисодиёт, тадбиркорлик, ташқи савдо ҳамда маҳаллий соноатни ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандлиги таъминланмоқда. Бунинг ортидан вилоятдаги камбағаллик даражасини ҳозирги 11,9 фоиздан йил якуни билан 7,9 фоизга тушириш кўзда тутилган.

Иш билан таъминлашда тадбиркорлик асосий йўналишлардан бирига айланган. Ишбилармонлик муҳити яхшилана бораётгани юрдошларимизнинг бу соҳага қизиқишини кенгайтирмоқда. Авваллари, тадбиркорлик қилишга қўрқиб, ҳатто унга яқин бормаган одамлар бугун

бир неча хил бизнес юритиб, катта корхоналарга асос соляпти. Ушлаб, юзлаб кишиларни иш билан таъминляпти.

Албатта, бу борада тадбиркорларга яратилган имконият, имтиёз ва рағбатлар ҳам катта кўмак бўлиб, мустақам ишонч бермоқда. Биргина оилавий тадбиркорлик дастурини олсак, унинг доирасида 2018-2023 йилларда вилоятда жами 1 триллион 538,8 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди. Ижтимоий дастурлардаги ишсиз 2 миң 307 фуқарони тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида эса 9,6 миллиард сўм субсидиялар берилган. Бу 5 йил ичидagi маблағлар кўлами. Ана энди жорий йилдаги вазифаларга эътибор қаратайлик: 2023 йилда оилавий тадбиркорлик дастури доирасида 1 триллион 80 миллиард сўм кредит, 26 миллиард сўм субсидия ажратилиши белгиланган. Бу орқали 17 миңта янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилади. Рақамлардан кўламини ўзингиз чамайиверинг. Қўрибни турибдики, бу йил вилоят аҳлининг тадбиркор-

лик кўрсаткичларини ошириш мақсадида ўтган 5 йилдаги, ҳатто ундан ҳам кўпроқ маблағ йўналтирилмоқда.

### Давлат тадбиркорга, тадбиркор эса фуқароларга кўмаклашди

Бу борада шу йилдан старт олган яна бир катта лойиҳа ҳақида тўхталиш жоиз. “20 миң тадбиркор — 500 миң малакали мутахассис” дастури юртимизда бошланган хайрли ва кенг миқёсдаги ишлардан бири. Яъни лойиҳада ишроқ этганини истаган тадбиркорни давлат ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, иш фаолиятидаги зарур ёрдамларни кўрсатади, ишбилармон эса худуддаги ишсиз аҳолини ўз йўналиши бўйича ўқитиб, мутахассис сифатида тайёрлайди ҳамда бандлигини таъминлайди.

Ҳозирга қадар вилоят бўйича 1 миң 884 тадбиркор дастур доирасида ҳамкорлик қилиш истагини билдириб,



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

## МУНОСАБАТ

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИНТЕГРАЦИЯСИ

барқарор тараққиётни таъминлаш учун ноёб имконият



**Одинахон ОТАХОНОВА,**  
Олий Мажлис Қонуналик  
палатаси депутати

Бошланиши 1-бетда

Кейинги йилларда савдо, соноат, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт соҳалари ва бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорлик кенгайиб бораётди. Ўзбекистоннинг бугунги ташқи сиёсати, хусусан, яхши кўшнчилик ва прагматик минтақавий сиёсати давлатимизнинг халқаро нуфузини оширибгина қолмай, Марказий Осий барқарор ва улкан имкониятларга эга ҳамкорлик маконига айланишига хизмат қилляпти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 4 август кунини Ашхобод шаҳрида Туркманистон Президенти Сердар Бердимухамедов раислигида ҳамда Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон иштирокида ўтган уч томонлама саммитда иштирок этгани ва муҳим ташаббусларни илгари сургани ўзаро алоқаларни янада мустақамлаш учун навбатдаги муҳим қадам бўлиши шубҳасиз.

Эътиборлиси, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энергетика соҳасини ривожлантириш, транспорт-

ўзаро интеграциялашган транспорт инфратузилмасини яратиш борасидаги саяё-ҳаракатларни бирлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, “Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон” йўлагининг ривожлантирилиши, Транскаспий йўналиши салоҳиятининг ишга солиниши Марказий Осийнинг “Шарқ — Ғарб” ва “Шимол — Жануб” халқаро йўлақларидаги транзит маркази сифатидаги жозибадорлигини оширишига ишонч билдирилди. Шу мақсадда халқаро юк ташувчилар учун қўлай шaroитлар яратиш, рақамлаштиришни жадаллаштириш ва назорат-ўтказиш масканларининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш йўлида биргаликда ишлаш таклиф қилинди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон” интеграциялашган транспорт инфратузилмасини яратиш бўйича саяё-ҳаракатларни бирлаштириш ташаббуси қўллаб-қувватланди. Бу Марказий Осийнинг халқаро йўлақлар транзит маркази сифатида жозибадорлигини оширади.

Президентимиз Ўзбекистон Марказий Осий минтақасида тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлашга қаратилган ташаббусларни бундан буюн ҳам илгари суриш ниятида эканини таъкидлагани ҳам эътиборга молик. Бу каби учрашувлар ўтказилиши сувни тежовчи илгор технологияларни жорий этиш ва ирригация тизимларини модернизациялаш, сув хўжалиги жараёнларини рақамлаштириш, сел ва тошқин сувларини йиғиш ва сақлаш инфратузилмасини биргаликда ривожлантириш каби соҳаларда ҳамкорликни жадаллаштиришга хизмат қилиши аниқ. Зеро, ушбу учрашувдан қўзланган асосий мақсад — ўзаро ҳамкорликни тизимлаштириш ва биргаликда саяё-ҳаракатлар воситасида амалга оширилаётган иқтисодий лойиҳаларни ҳамма учун мақбул бўлган шакл ва мазмунда бирлаштиришдан иборат.

Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон Президентларининг уч томонлама саммити мавжуд тажрибани умумлаштириш ва келгуси ҳамкорлик режаларини белгилаш, Марказий Осий мамлакатлари ўртасида барқарор тараққиётни таъминлашда бирлаштиришни, яратувчи куч ва биргаликдаги қатъиятнинг кўрсатиш учун ноёб имконият бўлди.

Яна шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, бу учрашув Марказий Осий минтақаси салоҳиятини мустақамлаш ва мамлакатларимизнинг Евроосий китъаси билан ўзаро боғлиқлигини кенгайтириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган янги лойиҳалар иштирокида ҳамда мавжуд умумий лойиҳалар амалга оширилиши жадаллаштиришга хизмат қилади.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

## ЖАРАЁН

# БУГУНГИ ТАДБИРКОР — ТАШАББУСЛАР ИЖОДКОРИ



**Равшан ТОҶИДДИНОВ,**  
Риштон туманидаги  
“Р плюс Корон” МЧЖ  
раҳбари

Давлатимиз раҳбари ташаббусига кўра, тадбиркорлар билан юзма-юз мулоқот йўлга қўйилгани соҳа ривожига муҳим қадам бўлди. Учрашувда тадбиркор, кичик ва ўрта бизнес тармоқлари фаолияти учун муҳим бўлган масалалар ечимига эътибор қаратилиб, қатор имтиёз ва имкониятлар берилмоқда. Хусусан, 2022 йили бўлиб ўтган мулоқотда айланма маблағларни

Бундан беш-олти йил олдинги тадбиркор билан бугунги тадбиркор ўртасида ер билан осмонча фарқ бор, десам муболага бўлмайди. Негаки, ҳозирги тадбиркор нафақат ишлаб чиқарувчи, балки давлат ва жамият тараққиётига ҳисса қўшаётган, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш, худудлар ободлиги йўлида самарали хизмат қилиб, янги ташаббуслар ижодкори сифатида бўй кўрсатяпти. Бу ишларда жонбозлик кўрсатган, кўнга ўрнак бўлаётган тадбиркор ва ишбилармонлар муносиб рағбатлантириляпти. Албатта, бу ўз-ўзидан амалга ошиб қолгани йўқ.

кўпайтириш, солиқ ставкаси ва текширишлари қаматириш, ишлаб чиқариш учун муҳим бўлган инфратузилма тармоқларини яхшилаш, экспортни рағбатлантириш борасида билдирган таклифларимиз инобатга олинди. Бу жуда катта имконият.

Авваллари тадбиркор ва ишбилармонлик йўналишида янги лойиҳаларни амалга ошириш, ҳамкорларни қорлаш борасида жуда катта тўсиқ, қозғоқозликларга дуч келганмиз. Ишлаб чиқаришга сармоя киритмоқчи бўлган инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаати, мулкларни қонун билан ҳимояланмаган эди. Инвесторлар сармоя киритиши, махсулот сотишдан қўрқарди. Инфратузилма тармоқлари ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Газ бўлса, сув, электр тармоғида узилши тинкамизни қуритган. Битта махсулот ишлаб чиқариш илинжида бош сўкмаган идорамиз

қолмаган. Фаолиятимизни кенгайтириш, замонавий ускуна ва жиҳозлар харид қилиш учун сармоя топа олмадик.

Бугун ҳаммаси бошқача. Солиқлар соддалаштирилди, туширилди. Кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун банк кредитлари ажратилиш микдори ошди, имтиёзли даври узайтирилди. Бу каби мисолларни яна кўплаб санаб ўтиш мумкин. Яратилган бу шaroитлар тўғрисида оқибат билан тадбиркорлар ўртасида очиб ишлаш механизми жорий этилди. Соҳа ривожига интилиш, ундан манфаатдорлик ошди.

Айни пайтда хорижлик инвесторлар ҳам мамлакатимизда замонавий ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этишдан манфаатдор бўлмоқда. Эндилкида нафақат шаҳарлар, балки чекка қишлоқларда ҳам маҳаллий хом-ашхоб бозориги махсулотлар ишлаб чиқариш кўлами кенгайиб, янги инфратузилма тармоқлари бунёд бўлмоқда, аҳоли бандлиги таъминланяпти.

Корхонамизда бугунги кунга қадар умумий қиймати 10 миллиард сўмдан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. 60 та доимий ва 1000 та касаначилик асосида иш ўринлари яратилиб, 300 турдаги кулолчилик махсулотлари ишлаб чиқарилди. Махсулотларимиз ички бозордан ташқари Европа ва яқин кўшни давлатларга экспорт қилиняпти.

Тахлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, жорий йилнинг шу кунига қадар умумий қиймати 500 миң долларга тенг бўлган махсулот хорижга сотилди. Мақсад ва режаларимиз кўп. Йил якуни қадар бу борадаги қўрсаткич салмоғини икки ҳиссага оширишни кўлаб турибмиз.

Давлатимиз раҳбарининг соҳа вакиллари билан ҳар бир мулоқоти янги лойиҳаларни такомиллаштириш, имкониятлардан умумий фойдаланиш, мавжуд умумкорлар ечимини йўлида айни мўддао бўлмоқда.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

ТАРИХНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИНИ ЯРАТАЁТГАН ХАЛҚ



Одил ОЛИМЖОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази бош илмий ходими, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

ди. Амал эгалари аслида халқнинг хизматкори бўлиши, аҳолини рози қилиш учун ишлаши кераклигини тушуна бошлади.

Яхши кўшничилик муносабатлари қайта тикланди

Президент Шавкат Мирзиёев собиқ шўролар даврида бошланиб, 2016 йилгача ҳукм сурган "ёпиқ жамоат" сиёсатини бекор қилди ва мамлакатимизни дунёга, дунёни эса бизга очиб берди. Жумладан, 1992-2016 йиллар мобайнида Марказий Осиёнинг бешта қўшни давлати бир-биридан узоқлашиб уларнинг барчасига салбий таъсир кўрсатди. Шавкат Мирзиёев Президент лавозимига келгандан кейин ҳамма давлатлар, айниқса, қўшни мамлакатлар билан алоқаларни тубдан кенгайтириш йўлини бошлади. Ўзбекистоннинг очиқ, конструктив, пухта ўйланган ва прагматик сиёсати натижасида давлат chegarаларини делимитация ва демаркация қилиш, ички ва халқаро транспорт коммуникациялари ва сувдан самарали фойдаланиш, давлат chegarаларидан ўтишни соддалаштириш каби узоқ йиллардан буён ечимини кутаётган мурракаб муаммолар ҳал этилди.

Иқтисодий алоқалар кучайиши натижасида Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик даражаси шиддатли равишда ўсая бошлади. 2023 йилнинг ярим йилгида бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 2,3 фоизга ўсиб, 3,5 миллиард долларга етди ва Ўзбекистон жами ташқи савдосининг қарий 12 фоизини ташкил этди. Марказий Осиё давлатлари ўртасида иқтисодий алоқаларнинг қайта тикланиши қўшни мамлакатлар иқтисодиёти ривожига муҳим ҳисса қўша бошлади.

Чегаралардан ўтишдаги сўнғий тўсиқлар асрлар давомида қўшни бўлиб яшаган халқларнинг қариндош-уруғлик ришталарига жуда катта салбий таъсир кўрсатарди. Масалан, фарзанд ота-онанинг жанозасига боролмаган — чегарадан ўтказилмаган воқеалар оддий ҳол бўлган. Бундай ноҳуш ҳолатлар, бу тартибни ўйлаб топган раҳбарлардан халқ қаттиқ норози эди.

Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари ўртасида яхши кўшничилик муносабатларининг қайта тикланиши ана шундай салбий ҳолатларни буткул бартараф этди. Чегарадан орқани қийинчилик ва сўнғий тўсиқларсиз ўтаётган одамлар эса давлатимиз раҳбарини дуо қилмоқда!

Тадбиркорлик тафаккури қайта уйғотилди

Совет замонидан бошлаб то 2016 йилгача бўлган даврда юртимизда халқнинг бойиб кетишига қарши курашилди. У пайтларда билими, ақли ва меҳнатининг миқдори ҳамда сифатидан қатъи назар, инсон бойиши мумкин эмасди. Бу қондага риоя қилмаганлар аёвсиз жазоланди. Шўролар ота-боболаримизнинг тадбиркорлик тафаккури ва салоҳиятини йўқ қилди, бойларимизнинг бор мулкни тортиб олиб, ўзларини жисмонан маъв этди ёки узоқ ўлкаларга сургун қилди. Хуллас, асрлар давомида тадбиркорлик даражаси юксаклиги билан оламни ҳайратга солиб келган халқимиз шўролар даврида бу хислатини йўқотди.

Президент Шавкат Мирзиёев иқтисодий ривожланишга тўсиқ бўлган бундай ноқоши ҳолатини ҳам тубдан ўзгартирди. У "Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади", деган шioriни олға сурди. Тан олиш керакики, давлатимиз раҳбари томонидан маъзур қўйни олдинга суриш иқтисодий-иқтисодий ҳаётимизда инқилобий характерга эга



бўлди. Юртимизда тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва улар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг бутунлай янги ва замонавий талабларга жавоб берадиган механизми яратилди. Янги қонунлар ва тартиблар ишлаб чиқилди, мавжудларига тегишли ўзгаришлар киритилди. Тадбиркорликни бошлаш учун руҳсатнома олиш тизими соддалаштирилди, унинг кўп турларига лицензия олиш умуман бекор қилинди.

Давлат хизматлари агентлиги тузилди ва бу йул билан битта ҳужжат олиш учун аҳолининг қатор идораларда сарсон бўлиб юришдек бемаъни ҳолатга барҳам берилди. 10-15 та идорадан бир неча ой мобайнида овора бўлиб йиғадиган ҳужжатларимизни шу битта ташкилотдан оладиган бўлди.

Одамлар арзини айтгани идораларга эмас, амалдорлар аҳоли дардини эшитиш учун улар олдида борадиган бўлди. Бу ҳам раҳбарлар ва халқ оғини кескин ўзгартир-



КЕЙИНГИ ОЛТИ ЙИЛДА ИЖТИМОЙ ЁРДAM КўЛАМИ 5 БАРОБОР ОШИДИ ВА 2 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ ОИЛАНИ ҚАМРАБ ОЛДИ. БУ МАҚСАДЛАРГА БЮДЖЕТДАН 2016 ЙИЛИ 2,2 ТРИЛЛИОН СўМ АЖРАТИЛГАН БўЛСА, БУГУН БУ МАБЛАГ 18 ТРИЛЛИОН СўМГА ЕТКАЗИЛДИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТГА ЙўНАЛТИРИЛГАН МАБЛАГЛАРНИНГ ЯЛПИ ИЧКИ МАХСУЛОТДАГИ УЛУШИ 2016 ЙИЛДАГИ 0,9 ФОИЗДАН 2022 ЙИЛИ 2,2 ФОИЗГА ЁКИ 2,5 БАРОБОР КўПАЙДИ.

Хуллас, юртимизда 2016 йилдан бошланган янги иқтисодий сиёсат туфайли юз минглаб аҳоли тадбиркорга айланди ва уларнинг сони тобора кенгаймоқда. Биргина 2023 йилнинг биринчи ярим йилгида юз мингга яқин тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтди. Бу эса халқ турмуш фаровонлигини ошириш ва камбағалликни қисқартиришга улкан ҳисса қўшмоқда. Энг муҳими, 1917-2016 йиллар мобайнида халқимизнинг қарий йўқолиб кетаётган тадбиркорлик тафаккури ва салоҳияти яна қайтадан тиклана бошлади, улар эл ичидан яна кадр-қиммат топади.

Ижтимоий ҳимоя ва камбағалликка қарши кураш

Аваллари ижтимоий ҳимоя соҳасида жуда катта камчиликлар мавжуд бўлиб, моддий ёрдам ҳақиқий камбағал четда қолиб, таниш-билишлик орқали ўзига тўқ оилаларга берилиш ҳолатлари ҳам учуради. Президент Шавкат Мирзиёев аҳолининг эҳтиёжидан қатламларини ҳимоя қилиши давлатнинг энг муҳим ижтимоий функцияларидан бирига айлантирди. Натижада Харажатлар стратегияси доирасида пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа эҳтиёжидан тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг бутунлай янги тизими яратилди.

Тегишли идоралар вакиллари маҳалла-маҳалла, хонадон-маҳалладан юриб, вазиёти жойида ўрганиб, кам таъминланган, ишсиз, камбағал оилалар, аёллар, ёшлар рўйхатини тузди ва улар учун мос равишда алоҳида "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" яратилди. Мана шу дафтарларга киритилган фуқароларнинг, аввало, тадбиркорлик салоҳиятини аниқлаш, кейин уларга мос шарт-шароитлар яратиш, қўллаб-қувватлаш тизими ишлаб чиқилди, "старт капитал" берилди.

Кейинги олти йилда ижтимоий ёрдам кўлами 5 баробар ошди ва 2 миллиондан ортиқ оилани қамраб олди. Бу мақсадларга бюджетдан 2016 йили 2,2 триллион сўм ажратилган бўлса, бугун бу маблағ 18 триллион сўмга етказилди. Ижтимоий таъминотга йўналтирилган маблағларнинг ялпи ички махсулотдаги улуши 2016 йилдаги 0,9 фоиздан 2022 йили 2,2 фоизга ёки 2,5 баробар кўпайди.

Тизим янада такомиллаштирилмоқда. Жумладан, яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. У шу кунга қадар 6 та вазирилик ва идорада тарқоқ ҳолда фаолият кўрсатган ижтимоий хизматларни ягона ташкилотда бириктирди.

Ижтимоий ҳимоя ҳақида гапирганда, камбағаллик масаласини четлаб ўтиш мумкин эмас. Ўзбекистонда камбағалликка қарши фаол кураш 2020 йилда бошланди. 2021 йилдан буён кам таъминланганларни "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимига киритиш орқали уларни ҳисобга олиш механизми жорий этилди. 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунги кунда ижтимоий ҳимоя реестрида кам таъминланган 2,3 миллион оила, аёллар, ёлғиз қариялар ва ногиронлиги бўлган шахслар моддий ёрдам билан қамраб олинган. Ажратилган маблағ ҳажми 7 баробар ошди, йилга 11 триллион сўмга етди.

2022 йилдан бошлаб эса Ўзбекистонда камбағалликка қарши курашиш умумий миллий тус олди, "маҳаллабай" тизими яратилди. 2022 йил 1 январдан ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шуниндех, ҳар



бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозими таъсис этилди. Унга эҳтиёжидан оилалар ҳисобини юритиш ҳамда касб эгаллашда, ўз ишини очишда, кредит ва субсидиялар олишда оддий одамларга кўмаклашиш вазифаси тоширилди.

Камбағалликни қисқартириш борасида сезиларли натижаларга эришилмоқда, камбағаллар сони қисқармоқда. 2022 йилда 1 миллион аҳоли камбағалликдан чиқарилди, жорий йил бу рақам янада ўзгариши кутулимоқда.

Бундай натижалар хорижий экспертлар томонидан тан олинмоқда. Жумладан, 2023 йил 18 май куни Тошкентда ўтказилган "Камбағалликни қисқартириш бўйича илғор тажрибаларни татибқ этиш" II халқаро форумида қатнашган иқтисод соҳасида Нобель мукофоти совриндори Абхжиит Банержи мамлакатимиз ўз намунаси билан бошқа мамлакатларга камбағалликка қарши қандай курашни кераклигини кўрсатганлигини эътироф этди.

Арзон ва сифатли уй билан таъминлаш соҳасида инқилобий ўзгаришлар амалга оширилди

2016 йилгача бўлган даврда ўз ҳолига ташлаб қўйилган масалалардан бири аҳолини уй-жой билан таъминлаш эди. Давлатнинг бу масалага эътибори қатъий туфайли ўз уйига эга бўлмаган ва уй олишни озу ҳам қилмай қўйган юз минглаб одамлар қатлами пайдо бўлди. Бу жуда катта ва жиддий муаммага айланган эди.

Шавкат Мирзиёев бу ишда ҳам инқилобий ўзгаришларни амалга оширди. У ҳокимият тепасига келган захоти зудлик билан уйсиз қолган аҳоли учун арзон ва сифатли уй-жой қуришни бошлаб юборди. Уй қуришга материаллар ишлаб чиқарадиган барча вазирилик ва идораларни бу ишга сафарбар қилди ва уларга уйларнинг нархи арзон бўлиши учун жуда катта имтиёзлар берди.

Натижада ўтган 6 йилда қарий 300 мингга ёки аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп уй-жой қурилди. 2023 йили янада кўп, яъни 90 минг оилани уй-жой билан таъминлаш режа қилинган. Келгуси 7 йилда эса 1 миллион хонадонли уй-жойлар қуриш режалаштирилган ва бунга жами 15 миллиард доллар йўналтирилди.

Ҳажда ҳам инсон қадрни баланд бўлди

Юртимизда 2016 йилдан бошланган янги даврда ҳаётимизнинг барча жабҳалари қатори Ҳаж маросимини ташкил қилиш тизимида ҳам кескин сифат ўзгаришлари юз берди. Саудия Арабистонининг Ҳаж амалларини бажариш ҳудудларидagi шароитлар тубдан яхшиланди, Ҳажга жўнатиш квоталари уч баробар оширилди ва 2023 йилда 15 мингга етказилди. Шундай имконият туфайли мен ҳам 2023 йил мўқаддас Ҳаж зиёратини адо этиш бахтига мушарраф бўлдим.

Давлатимиз раҳбарининг юртимизда инсон қадрни ҳамма нарсадан азиз туриши кераклиги туркидаги фикрлари ҳаётга қанчалик татбиқ этилаётганини Ҳаж маросимда ўз кўзим билан кўрдим. Ҳажнинг барча амалларини бажаришга ҳамма автобусларда олиб боришди. Мино, Арафот, Муздалифа каби барча ҳудудларда автобуслар хизматимизга шай турди. Биз транспорт қидиришга вақт ва қўшимча



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОБАСИДА УҚИШ УЧУН МАЪЗУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

маблағ сарфлаганимиз йўқ, Бу Ҳаж амалларини бажаришда ўта муҳим омили бўлди. Чунки қаттиқ ва қуруқ иссиқ ҳароратда қўнда тақси ушлаш орқича ташвиш, қўп вақт ва харажатларга сабаб бўларди.

Мадина ва Макка шаҳарларида ҳашаматли, ҳамма қўлайликларга эга меҳмонхоналарда яшадик. Ҳаж амаллари Мино водийсида, Арафот, Муздалифа, Жаморот ҳудудларида, яъни очиқ майдонларда бажарилади. У ерларда чодирлар яшадик. Яшаш жойларимизда ҳар бир киши учун тезда матодан тайёрланган олоқ чойшабар солинаган юмшоқ ётish ўринлари бор. Совет-кичлар 24 соат чодирлари совитди. Ҳар қадамда салқин ичимликлар билан тўлдирилган махсус идришлар қўйилган. Чодирлар олдида қўйилган самоварларда сув ҳаммиса қайнаб туради, қўқ, қора чой, кофе, шакар, қуруқ сут билан муттасил таъминланади.

Ўзбекистондан Ҳажга борганлар ҳамма вақт ва ҳамма жойда 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланди. Овқатлар ўзбекона, сифатли, қалорияли ва хилма-хил, даяри хил икки кунда ош едик. Ҳаж пайтида меҳмонхоналарда ва ҳатто Мино водийсидаги чодирларда ҳам замонавий кичик шифохоналар барпо этилди. Юртимиздан 50 нафар малакали тиббиёт ходими ва



кераклик барча дори-дармон олиб борилган, ҳатто ётиб даволандиган қойкалар ҳам ўрнатилган. Маъзур касалхоналарда шифокорлар 24 соат навбатчилик қилди. Зарур ҳолларда беморлар Саудия Арабистони шифохоналарига олиб борилиб, жароҳлик амалиётлари ўтказиб келинди. Ҳатто ана шу қиммат операциялар ҳам бемор учун бепул бажарилди.

Қўшни давлатлардан борган таниш ҳожираимиз Ўзбекистон томонидан ташкил этилган тиббий хизматга ҳавас билан қаради. Табиийки, биз, ҳожира, "Ҳаж амалларини қилмай ва ажойиб тарзда бажариш учун барча шарт-шароитларни яратиб берган Президентимиз ва мутасаддиларимиздан Аллоҳ рози бўлсин", дея дуолар қилдик!

Хориждаги ватандошларимизга муносабат ўзгарди

Тан олиш керакики, 2016 йилгача халқимиз узоқ йиллардан буён орзу қилган муносабат яратиб бера олмадик. Аксинча, бу даврда халқимизнинг адолатга бўлган ишончи йўқолди, яхши яшаши интилиш ордаси барбод бўлди, асрлар давомида қўшни халқларни ҳам таъминлаб келган заманимиз энди ҳатто ўз аҳолимизми ҳам боқа олмай қолди. Ўз юртида тирикчилигини таъминлай олмаган 2 миллион ватандошимиз эса хорижга иш қидириб бориб, "тастарбайтерлар"га айланишга мажбур бўлди. Юртимиздаги сифатсиз таълим тизими туфайли улар чет элда "қора ишчи" бўлишга мажбур эди. Боз устига, биз уларни "дангаса, ишқимас" деб таҳқирлаб, шаънини ерга уришга ҳаракат қилардик.

Шавкат Мирзиёев маъзур ватандошларимизга муносабатни бутунлай ўзгартирди, уларни "Ўзбекистонимизнинг азиз фарзандлари, ака-укаларимиз, жигарларимиз", деб атаб, мигрантларимизга ҳар тарафлама ёрдам кўрсата бошлади. Хорижга ишлаш учун бораётган аҳолимизми касбга



ва чет тилларига ўқитиш кўлами кенгайтирилди. Уларга Европа ва Осиёнинг юқори ҳақ тўланадиган мамлакатларига ишга бориши учун кўмаклашиляпти. Ватандошларимизга дунёнинг исталган нуқтасидан мамлакатимиздаги давлат хизматларидан масофадан туриб фойдаланиш имконияти яратилмоқда. Хорижда мурракаб вазиятга тушиб қолган юртдошларимизга ҳуқуқий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш кўлами кенгайтирилмоқда. Меҳнат мигрантларимиз ва уларнинг оила аъзолари давлатимиз, халқимизнинг доимий гамҳўрлигида бўляпти. Фарзандларининг ўқиши ва олий ўқув юртиларига ўқишга киришида ҳам енгилликлар берилляпти.

Натижада меҳнат мигрантларимиз ҳам ўзларини Ўзбекистоннинг азиз фарзандлари эканини ҳис қилмоқда, бундан ғурурланмоқда.

Хориждаги ватандошларимиз ичидан уша ёқларда олий таълим олиб, катта муваффақиятларга эришганлари ҳам бор эди. Лекин аввал улар ҳам Ўзбекистон учун гуё беғонадай, улар ҳақида гапирилмас, матбуотда ёзилмасди. Президентимиз бу масалада ҳам инқилоб қилди, яъни уларни юртимизга ишга келишга даъват қилди. Тегишли шароитлар яратилгач, улар ҳам



юртимизга қайтиб кела бошлашди. Айни пайтда хориждан қайтиб келган ёшларимиз Президент Администрацияси, Вазирлар Маъжамаси, етакчи вазирилик ва идораларда раҳбарлик лавозимларида ишламоқда, янги Ўзбекистонни яратиш жараёнида қарвонбосилар сафига бормоқда.

Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси — инсон қадрини улуғлаш сари улкан қадам

Мамлакатимиз тараққиёти кейинги босқичининг вазифарларини белгилаб бериш мақсадида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди. Тараққиёт стратегиясининг пировард мақсади 2026 йилга аҳоли жон бошига ЯИМни 1750 доллардан 2800 долларга етказиш, 2030 йилга эса бу кўрсаткични 4000 АҚШ долларидан ошириш ва Ўзбекистонни даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига киритиш, яъни аҳоли турмуш фаровонлигини кескин ошириш ҳисобланади.

Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифарларнинг бажарилиши Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга олиб чиқади, жамиятимиз ҳаётини тубдан ўзгартиради, аҳоли фаровонлигини кескин оширади. Учинчи Ренессанснинг ташкилий-ҳуқуқий, илмий, маънавий-маданий, ижтимоий-иқтисодий асосларини яратиши, халқимиз қадр-қимматини янада кўтарди.

Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ, зеро, Президентимиз айтганидек, "биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқимиз. Барчамиз бир тану бир жон бўлиб, яқдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилсак, халоп-поқ бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, ҳар қандай марраларни эгаллаша, бошқача айтганда, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодир халқимиз!"



АГРАР ТАРМОК

# Суь танқислиги

## унинг хавф оқибатларини қандай юмшатиш мумкин?

Бошланғичи 1-бетда

Дарҳақиқат, глобал иқлим ўзгаришлари дунё бўйлаб қурғоқчилик, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши каби қатор экологик муаммоларни юзага келтирмоқда. Ушбу ҳолат ўз навбатида, барча минтақалар, шу жумладан, Марказий Осиёда ҳам музликларнинг кескин қисқариб кетиши, демакки, дарё ҳавзаларига салбий таъсир кўрсатяпти. Мутахассислар прогнозларига кўра, 2050 йилга келиб Сирдарёда сув ҳаҷми 5 фоиз, Амурдарёда эса 15 фоизгача камайиши мумкин.

Бу масаланинг бир жиҳати. Бошқа томондан эса, сув ҳаҷми камайиб боришга номуносиб равишда аҳоли сони ўсиши ҳамда ишлаб чиқариш саноати ривожига ҳисобига сувга талаб муттасил ошиб боради. Демак, бундан хулоса қилиш мумкинки, сув танқислиги ва у келтириб чиқариши мумкин бўлган муаммолар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораверади.

Хўш, бундай вазиятда нима қилиш керак? Сайёрамиз бўйича қарий 1,1 миллиард киши турли даражадаги сув танқислигидан азият чекаётган бир пайтда, ушбу муаммага энг самарали ечим —

ҳам обихаётни исроф қилишда давом этаймиз. Йўқ, дейсизми? Унда адашасиз, ён-атрофингизга, жилла курси, яқинларингизнинг сувга муносабатига назар солинг: қанчадан-қанча меҳнат, ресурс ва маблағ эвазига неча босқичда тозаланиб, хонадонимизга олиб келинган тоза ичимлик сувини салқинлик учун ҳовлига то ер лой бўлгунча сепамиз, машина-мизини ювамиз, тишимизни тозалаб бўлгунча жумракни ёпмаймиз... Тўғри, бу билан муаммо тугал ҳал бўлмас, лекин ҳаммамиз ҳар ишимизда, ҳар бир соҳада уни тежасак, танқислигининг олдини олиш мумкин. Ахир доноларимиз "Тома-тома кўл бўлур", деб бежиз айтишмаган.

Ҳап сувдан самарали фойдаланиш, уни тежаш ҳақида борар экан, бу борада энг аввало, эътибор қаратилиши лозим бўлган тармоқ, бу — қишлоқ хўжалиги. Негаки, дунё, шу жумладан, Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида ишлатилаётган сув ресурсларининг энг катта қисми аграр соҳа ҳиссасига тўғри келади — 89,7 фоиз. 5 фоизи эса коммунал хўжалик, 2 фоизи саноат тармоқлари, қолган қисми бошқа тармоқлар ҳиссасига тўғри келади.

Шу боис, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув тежовчи технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш, ариқ ва каналларни бетонлаштириш, сув агрегатларини модерни-



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Тегишли вазирилик ва идоралар, журналист ва блогерлар, сув тежовчи технологиялар бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи ва пудратчи корхоналар, кластер ва фермер хўжалиқлари вакиллари иштирок этган тадбирда сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш учун кредит олиш шартлари, "Сувчилар мактаби" фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берилди.

— Бугунги кунга қадар жами 473,5 минг гектар майдонда томчилатиб, 44,7 минг гектарда ёмғирлатиб, 18 минг гектарда дискрет, 133,9 минг гектар майдонда бошқа сув тежовчи суғориш тизимлари жорий қилинди, — дейди Сув хўжалиги вазири ўринбосари Рустам Қаршиев. — Шунингдек, 569 минг гектар экин майдони лазер ускунаси ёрдамида текисланди. Натижада сув тежаллишига эришилган ер майдони ҳажми 1,2 миллион гектарга ёки умумий майдонга нисбатан 28 фоизга етказилди. Шу тариқа мавжуд сув ресурсларидан фойдаланиш самардорлиги йил сайин ортیب бормоқда.

Халқаро экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон нисбатан қисқа вақт ичида суғориш сувидан тежамкорлик билан фойдаланиш борасида сезиларли натижаларга эришяпти.

Яқинда Euronews хорижий оммавий ахборот воситаси юртимизда сув тежамкорлиги бўйича амалга оширилаётган самарали лойиҳалар ҳақида мақола chop этди. Мақолада қайд этилишича, сув танқислиги кузатилаётган ерларда амалга оширилган йирик инфратузилма лойиҳаси сув исрофини камайтириш орқали қишлоқ хўжалигида суғоришни яхшилаш, шунингдек, электр энергияси истеъмолини камайтириш ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш имконини берди.

Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш лойиҳаси доирасида реконструкция қилинган "Бўстон" канали сув йўқотилишини кескин камайтиришга замин яратилди.

— Бу ерларда чор-атроф кўчма қумтепалардан иборат, — дейди лойиҳа раҳбари Азат Сержанов. — Шунинг учун ҳам сувнинг 50 фоизи ерга сингиб кетади. Бундай катта йўқотишнинг олдини олиш мақсадида канални бетонлаштиришга қарор қилдик.

Маълумки, Бўстон канали қайта қурилишдан олдин тупроқли ўзан бўлгани боис, катта микдордаги обихаёт тупроққа сингиб кетарди.

Канал иккиламчи каналлар тармоғи билан ҳам боғланган — уларнинг умумий

узунлиги 800 километрдан зиёдни ташкил этади. Лойиҳа доирасида учта виллоят ва 100 минг гектар қишлоқ хўжалиги ерларига сув етказиб берадиган каналларнинг барчаси реконструкция қилинди. Сув сизишидан юзага келадиган йўқотишларни бартараф этиш учун 70 километр узунликдаги Бўстон канали махсус материал — геомембранага ётқизилган бетон билан қопланди.

Натижада сув йўқотишларни камайтириш орқали тахминан 300 миллион метр куб суви тежаш ҳамда айланмадан чиққан 35 минг гектар суғориладиган ерни қайта фойдаланишга киритишга эришилиши кўтилмоқда.

Илгари сув далаларга насос станциялари — йирик давлат ва кичик фермер хўжалиқлари ёрдамида етказиб бериларди. Лойиҳа доирасида Бўстон канали туби иккинчи даражали каналлар ва суғориладиган далалардан баландроққа кўтарилди. Ва энди оғирлик кучи қонуни туфайли сувнинг ўзи керакли жойга оқиб боради. Бу давлат ва фермерларга ҳар йили электр энергиясидан тахминан 3 миллион доллар тежаш имконини беради.

400 дан зиёд фермернинг насослари, шунингдек, давлат бюджети ҳисобидан ишлайдиган 20 та кичик ва 3 та йирик насос станцияси олиб ташланиши ҳисобига иссиқхона газлари, карбонат ангидриднинг атмосферага чиқиши камайдди, газ сарфси эса 36 минг метр кубга қисқаради.

Тадбир сувнинг қадри ва қиймати йил сайин ошиб бораётгани, обихаётдан фойдаланиш маданиятини тезроқ ўзгартириб, суви тежашга тўлиқ ўтиш давр талаби эканига алоҳида эътибор қаратилди.

— Қишлоқ хўжалиги соҳасида сувдан самарали фойдаланишга эришишда "Сувчилар мактаби" ташкил этилгани суви мудабо бўлди, — дейди Сув лойиҳалари маркази директори ўринбосари Музаффар Ҳайитбоев. — Мазкур ўқув курси фаолияти Президентимиз ташаббуси билан Сув хўжалиги вазирилик, "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети ва "Ағробанк" АТБ ҳамкорлигида йўлга

қўйилган. Фермер хўжалиқлари раҳбар ва сувчилари, сув хўжалиги ходимлари бугунги кунда соҳада қўлланилаётган инновацион технологиялар, ривожланган хорижий мамлакатлар амалиётига жорий этилаётган янги билим ва кўникмаларни эгаллаган ҳолда, ўз фаолиятини такомиллаштириб, сувдан самарали фойдаланиш орқали юқори ҳосилдорликка эришиши ўқув курсининг асосий мақсади ҳисобланади.

Эътиборли жиҳати, дарсларда рўйхатдан ўтиб, текин иштирок этиш мумкин. Дарслар маҳаллий ва туркиялик мутахассислар томонидан олиб борилмоқда. Шу вақтга қадар 60 минг фермер, 4 минг махсус мироблар, минг нафар банк ходими ўқишга жалб қилинди. 84 туманда 24,5 мингта яқин тингловчи ўқитилди.

— Қишлоқ хўжалигида сувдан тўғри фойдаланиш, уни майдонларга тенг тарқатиш ва ҳосилдорлигини оширишда энг яхши самара берадиган усул, бу — сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш ҳисобланади, — дейди туркиялик мутахассис Мавлуд Айдан. — Билсанми, Туркияда ҳам сув муаммоси мавжуд ва айнан шунинг учун ҳам юртимизда мана шундай техникалардан бир неча йиллардан бери фойдаланиб келинади. Асосийси, бу усул аллақачон амалиётда яхши натижалар билан ўзини оқлаган. Фақат буни тўғри йўлга қўйиш ва қандай фойдаланишни билсангиз бас.

Дарҳақиқат, сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш сув тежамкорлигига эришишнинг энг самарали ечимларидан бирига айланади. Бинобарин, томчилатиб суғоришда сув тўғридан-тўғри маданий ўсимликлар ва экинларнинг илдири қисмига кичик микдорда етказиб берилди. Сув ва бошқа ресурсларни (ўғитлар, меҳнат харажатлари, энергия ва қувурлар) сезиларли даражада тежаш имконини беради. Шунингдек, бу суғориш усули эрта ҳосил етиштириш, тупроқ эрозиясининг олдини олиш, касалликлар ва бегона ўтларнинг тарқалиш эҳтимолини камайтириши билан аҳамиятлидир.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**  
**"Янги Ўзбекистон" муҳбири**



тежамкорлик ҳисобланади. Негаки, биринчидан, сув захираларини ошириш, яъни тоғлардаги музликлар ҳажминини кенгайтиришнинг имкони йўқ. Борини асраб қолиш эса экологик барқарорликка боғлиқ. Бу, ўз навбатида, кўп вақт — узоқ йиллар талаб этадиган жараён.

Иккинчидан, сув танқислиғи муаммоси билан юзма-юз турибмиз, лекин ҳали

зация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимизда Сув хўжалиги вазирилик томонидан ташкил этилган "Келажак учун суви асранг" мавзусидаги тадбирда ҳам сув тежамкорлигига эришишнинг аҳамияти тўғрисида ўзаро фикр алмашилиб, бу борада амалга оширилаётган ишлар сарҳисоб қилинди.

ТАЖРИБА

# ШОЛИДАН ИККИ МАРТА ҲОСИЛ ОЛИШ

## Ўзбекистонда янги технология йўлга қўйилди



**Рихсвовой ТЕЛЛЯЕВ,**  
**Шоличилик илмий-тадқиқот институти профессори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори**

Бошланғичи 1-бетда

Жараёнда ушбу мамлакатнинг шоличилик бўйича дунёда илғор ҳисобланган тажриба ва технологияларига таянилди. Мазкур технология асосидаги ўсимликларни кўчат усулида парваришлаш ва механизация (урғуллар олдиндан эгат очмай, текис ерга экилаверади) ёрдамида экиш тажрибаси ўрганилиб, юртимиз шароитида амалга ошириш вазифаси қўйилди. Мақсад шоличиликда йилда бир эмас, бир неча марта мўл ва сифатли ҳосил олишдан иборат эди.

### Синов муваффақиятли ўтди

Жаҳон бозорига гуруч энг талабгир маҳсулотлардан бири. Қадимги экин турларидан бўлган шоли ҳозир ҳам дунё

аҳолисининг учдан бир қисми учун асосий озиқ манбаидир. БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумотларига кўра, 2020 йилда сайёрамизда 158,8 миллион гектарга шоли экилиб, 742,5 миллион тонна ҳосил олинган. Бу борада Хитой, Ҳиндистон, Индонезия етакчилик қилмоқда.

Шоли ўсимлиги тропик минтақадан келиб чиқганига қарамай, муътадил иқлимли ҳудудларда кенг тарқалган. Бу экинни етиштиришнинг ҳам ўзига хос агротехнологиялари мавжуд ва уларни такомиллаштириб бориш соҳанинг долзарб масалаларидан саналади. Шоли етиштиришда кўп сув талаб қилингани боис, жараёнда илғор ресурстежамкор технологияларни қўллаш самарадорликни оширади. Айна шу мақсадда кенг қўлланил илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Кўчат усулида шоли етиштириш ва механизация ёрдамида экиш тажрибаси Шоличилик илмий-тадқиқот институтида олиб борилаётган ана шундай изланишларнинг бир қисми. Жанубий корейлик

мутахассислар билан биргаликда ўтказилган тажрибада кўчатларни маҳаллий шароитга мослаштириш ҳам бирмунча вақт талаб этди. Эътиборлиси, жараёни бошидан то биринчи ҳосил олингунча қадар соҳа вакиллари кузатиб борди. Янгиликнинг илк натижаларига ҳам кўпчилик биргаликда гувоҳ бўлди.

Дастлабки жараёнда юртимизнинг маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мослаштирилган кўчатни тайёрлаш учун экиннинг озиқа негизи, яъни тупроқ, биогурус ва бошқа моддалар аралашмаси нисбатлари ўрганилди. Сўнг 25-30 кунлик соғлом кўчатлар белгиланган муддатларда тайёрланди. Бунда биз учун энг қимматли кўрсаткич 30 кунлик кўчатлар эртаки муддатларда махсус иссиқхоналарда, тақорий экишга ҳозирланган кўчатлар эса иқлимни муътадиллаштирилган хоналарда етиштирилгани бўлди. Ушбу натижа деҳқон ва олимларимизнинг бир неча асрлардан буён оғриқ қилган, бир даладан икки марта шоли ҳосили олиш умидини рўёбга чиқаришга асос бўлди, десак муболага эмас.

Қолаверса, механизация ёрдамида шоли кўчатларини экиш аста-секинлик билан ривожланиб бораётгани, ҳозир экиш агрегатлари 30 тага яқин бўлиб, ҳатто фермерларда ҳам мавжудлиги қувонарли ҳол. Буни яқин келажакда шоли хирмонлари ҳам банд бўлишига ишора деб баҳолаш мумкин.

Шу тариқа навбат кўчатларни ерга жойлаштиришга етди. Юқорида таъкидлаганимиздек, жорий йил апрель ойда Избоскан тумани тажриба даласида илк шоли кўчатлари механизация ёрдамида ерга қадалди. Экин экиладиган кун хаво ҳарорати кескин пасайиб, шопилоядаги ҳарорат +10 даражани ташкил этди. Одатда бундай ҳароратда шолини қўлда экишнинг имконияти бўлмайтиди. Механизация усулида эса исталган ҳавода экин экиш мумкин. Биз уларнинг ҳар иккисини солиштириб ҳам кўрдик. Натижага кўра, нисбатан совуқ ҳароратда махсус механизм ёрдамида экилган шоли кўчатлари ўртача 15 донадан, бир неча кун кечикиб, илг қавоҳда қўлда ерга ташланган кўчатлар эса 3-5 донадан туплаганига гувоҳ

бўлдик. Яъни махсус 30 кунлик тайёрланган шоли кўчатларини эрта муддатда экиш ҳамда кўпроқ туплатиш имконияти юқорироқ экани кўринди.

Тажриба кўчатларининг ҳосилдорлиги ҳам кўпчиликини қизқиттирди. Олиб борилган дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ҳосилдорлик айрим қисмларда 5,5 тоннага, айримларида 6 тоннага, айримларида эса 7 тоннага етди. Бу йил баҳор мавсуми бир оз совуқроқ келгани боис, шоли пишиши сал узайган бўлиши, кейинги йилларда баҳорда ҳарорат иссиқ бўлса, шолини 7-10 кун эрта ўриш имконияти юзага келиши мумкин. Аммо умумий ҳисобда олганда, янги технология асосида кўчат усулида шоли экилиши юқори самарадорликка эга эканини кўрсатди. Жараёнда кўп меҳнати ва ишчи кучи ҳам сезиларли тежалди. Жами харажатлар эса 25-30 фоиз камайиши аниқланди.

Шолини кўчат усулида етиштиришнинг яна бир афзаллиги шундаки, ушбу технологияни қўллаш ҳисобига шоличилик тизимида экин жойлаштириш тузилмаси ҳамда уларнинг салмоғи кескин ўзгариб, халқаро талабларга деярли тенглашмоқда. Авваллари бир далада асосан шоли, сўнг кузги бугдой асосий экин сифатида алмашинадиган ва йилда икки марта ҳосил олинган бўлса, эндиликда кузги бугдой — тақорий шоли ёки соя — кузги бугдой экиш имконияти яратилмоқда. Демак, янги тизимда икки йилда 3 ёки 2 марта шоли, 1 марта дон учун соя, 1 марта тўлиқ кузги бугдой ҳосили олиниб, уларни алмашлаб экиш тартиби яна кузги бугдой экиш имконияти яратилмоқда.

Шолининг қимматли хусусиятларидан яна бири бир далага қайта-қайта экиш мумкинлигида. Мисрнинг Нил дарёси бўйлари ҳамда Осиё қитъасининг кўплаб ҳудудларида бир далага шоли минг

йилдан ортқ даврлардан буён мунтазам экилиб, юқори ва сифатли ҳосил олиб келинмоқда. Демак, минерал, органик ўғитлар ва бошқа керакли моддаларни бериб, доимо шоли етиштириш мумкин. Айниқса, кўчат усули ва бошқа ресурстежамкор нав, технологияларни амалиётга жорий этиш орқали бир йилда икки марта ҳосил олиш кўпроқ гуруч маҳсулотлари етиштириш имконини беради. Албатта, сув ресурсларидан ўта тежамкорлик билан фойдаланиш ҳам унутмаслик керак. Бунинг учун шоли майдонларини имкон қадар массивлаштирилган ҳолда жойлаштириш ҳамда илм-фанга асосланган бошқа замонавий технологиялардан фойдаланиш самара беради.

Сабаби, шоли етиштиришга яроқли деб ҳисобланган дарё ўзанлари ёки коллекторлардан сизиб чиқаётган шўрланган, оқова сув ҳамда ботқоқ ерлар захираларидан бошқа экинларни етиштиришда фойдаланишнинг деярли имкони йўқ. Шунинг учун олдимизда ҳосилдор шоли навларини яратиш билан бирга, ҳар томчи сувдан самарали фойдаланиш усулларини жорий этиш вазифаси турибди. Айниқса, ҳозирги глобал иқлим ўзгаришлари ҳамда кескин сув танқислиги шароитида фақат илғор, инновацион, ресурстежамкор технологияларга таянишимиз лозим. Илм-фан ютуқлари эса уларни янада такомиллаштириб боришга йўл очади.

Шундай қилиб, мамлакатимизда йилда икки ёки уч марта шоли ҳосилини олиш тажрибаси синовдан муваффақиятли ўтди, дея оламиз. Энди навбат буни худудларимизда кенг жорий қилиш, бу орқали деҳқон ва фермерларимиз даромадини янада ошириш, халқимизнинг гуруч маҳсулотларига бўлган талабини қондиришдан иборат. Бу йўлдаги изланишларимиз эса давом этади.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



ДАХЛДОРЛИК



66

ЯНГИ МАКТАБЛАР ҚУРИШ, ХУСУСИЙ МАКТАБЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ ВА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШНИ НАЗАРДА TUTUVCHI МАКТАБЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА ҚЎШИМЧА 1,2 МИЛЛИОН ЎҚУВЧИ ЎРНИ ЯРАТИЛАДИ. 2026 ЙИЛГА ҚАДАР ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ ВА ДАРСЛИКЛАР ИЛГОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА АСОСИДА ТЎЛА ҚАЙТА ИШЛАНИБ, АМАЛДА ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҒОЯСИ РЎЁБИ

## Учинчи Ренессанс пойдевори кафолатидир



**Садриддин ТУРОБЖОНОВ,** Тошкент давлат техника университети ректори, техника фанлари доктори, профессор

Бошланғичи 1-бетда

Ижтимоий давлат ғояси, халқаро ҳамжамият талқин қилганидек, жамият ҳаётини ижтимоий адолат, шахс эркинлиги ва бирдамлик тамойилларига асосланган ҳолда сиёсий-ҳуқуқий тарзда ташкил этишдан иборат. Халқ референдуми асосида қабул қилинган янги тахрирдаги Бош қонунда айнан шу талабларга жавоб топиш мумкин. Ижтимоий давлатнинг асосий ва муҳим мақсади ҳамда функциялари бўлган ижтимоий ҳимоя чораларини қуриш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун шароит яратиш, соғлом ижтимоий муҳитни шакллантириш каби омиллар сакрашсиз ва инқилобларсиз, динамик, барқарор ривожланишни таъминлайди. Буни юртимиздаги ўзгаришлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашдаги саъй-ҳаракатлар мисолида яқол кўриш мумкин. Европа мамлакатлари ижтимоий давлатнинг у ёки бу моделига асосланган ҳолда бир неча ўн йилликлар давомида барқарор ривожланиб келаётгани намунадир.

зарурати билан боғлиқ. Ижтимоий адолат тамойилини рўйга чиқариш кўп жиҳатдан иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий адолат ўртасидаги зиддиятнинг ҳал этилишига дахлдор. Албатта, бу бозор муносабатлари шароитида ўзига хос мураккаб жараён бўлиши билан бирга, қонун йўли билан ҳал этилиши мумкин бўлган масалалар.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий давлат асосларини яратишда қатор ишлар қилинди. Жумладан:

**биринчидан**, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг устуворлиги, тенглик ва ижтимоий адолатнинг асосий қадрият сифатида тан олинishi; **иккинчидан**, бирдамлик, давлат доирасида умумий манфаат, умумбашарий адолатнинг намоён бўлиши ва шахсларнинг ўзаро муносабатлари адолатли йўлга қўйилиши, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини амалга ошириш борасида қилинаётган ишлар;

**учинчидан**, жамият аъзолари бирдамлигини таъминлаш, жамоатчилик оғиди одамларнинг ўзаро ёрдамга асосланган ахлоқий муносабатини шакллантиришга асосланган маънавий тарбияни кучайтириш;

**тўртинчидан**, одамларнинг эркин бирлашмалари ривожини таъминлашда давлат кўмагини ошириш;

**бешинчидан**, давлат ижтимоий шериклик институтларини ривожлантириш, ишчиликнинг адолатли ва муносиб иш ҳақи олиш ҳуқуқини таъминлаш ва уларни ижтимоий хавфлардан ҳимоя қилиш орқали жамиятда тинчлик ва

Ижтимоий давлат мезонларига мос келадиган ишлар қилинди ва у муайян маънода самарасини ҳам берди. Халқимиз доно ва сезgir, шунинг учун бошланган яхши ва савобли ишларни фақат муаллифи, ташаббускори мукамал тарзда охирига етказиши мумкинлигини яхши тушунган ҳолда сайловда фаол иштирок этди ва катта умид билан ўзи истаган инсонни етакчи этиб сайлади.

### Таълимнинг юксалиш омиллари

Ўтган йилларда барча соҳада ислохот ўтказилиб, кўплаб амалий ишлар бажарилди. Жумладан, таълим-тарбия соҳасидаги саъй-ҳаракат ва янгилаштириш алоҳида қайд этиш ўринли. Зотан, давлатимиз раҳбарининг соҳага оид фармон ва қарорлари, ҳар бир нутқида тақор-тақор эслаши таълимнинг юксалиши заруратидан далolat беради.

Таълим-тарбия ва илми теран эгаллаш инсондан юксак интеллектуал салоҳият, ақлий имконият ва байрат-шижоат талаб қилади. Ҳаёт ғояси, таълим ғояси ва ақл ғояси бир-бири билан муштарак. Илм тараққийнинг куч-қудрати эканлига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Таълим ғояси инсониятни ривожланишга етаклайди. Шу боис, давлатимиз раҳбарининг Сайловолди дастурида инсон капиталини ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омил бўлган узлуқсиз таълим тизими учун миллий ўқув дастурини жорий этиш, ўқитиш сифатини ошириш ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш


муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлилар ҳар томонлама кўллаб-қувватланади. Доктoрантурага қабул давлат буюртмаси ва манфаатдор ташкилотлар маблағлари ҳисобидан тўлов грантлари асосида жорий этилади.

Узоқни кўзлаб айтилган бу фикр ва режаларда улғу мақсадлар мумкин. Ёш авлоднинг илми бўлиши Ватанимизнинг барқарор тараққийига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг "Мана, сафимизга юртимиздаги, чет элданги нуфузли олийгоҳларда ўқиган, йирик компанияларда ишлаган қанча-қанча салоҳиятли ёшлар кириб келмоқда. Мен уларнинг тимсолида, аввало, эртанги кунимизнинг янги раҳбарларини, худуд, тармоқ ва соҳаларнинг моҳир бошқарувчиларини кўраман", деган сўзлари чет элда билим ва малакасини ошириб, эзгу умид ва мақсад билан юртимизга қайтиб келаётган йигит-қизларга беқийс рағбат берди.

Тошкент давлат техника университетининг профессор-ўқитувчилари ҳамда илмий тадқиқот билан шуғулланаётган талабалари ҳам бундан мустасно эмас. Чунки ОТМ чет элданги нуфузли илм-фан ташкилотлари билан ўзаро таълим, малака ошириш ва тажриба алмашишни йўлга қўйган. 2018 йилдан ҳозирга қадар кўшма таълим дастури бўйича бир қанча ҳамкор университетлар билан меморандум ва шартномалар имзоланди.

Жумладан, университет инфо-матика ва ахборот технологиялари,



### ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

# ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТАСИ

## сифатли тиббий хизмат кўрсатишнинг муҳим омилли

Давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этишдан кўзланган мақсад аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини оширишдан иборат. Уни амалиётга жорий этишда тизимдаги самарасиз харажатлар улуши босқичма-босқич қисқартирилади, тиббиёт муассасаларининг молиявий мустақиллиги ошади. Янада эътиборли жиҳати, аҳолига давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам кўрсатилади ва бунга хусусий тиббиёт ташкилотлари ҳам жалб этилади.



**Фаррух ШАРИПОВ,** Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ижро этувчи директори

ширувларини ўтказиш йўлга қўйилган. Скрининг натижаларига кўра, болада аниқланган касалликларни самарали даволаш бўйича муожазлар қилинмоқда.

Вилоят аҳолиси электрон дастур орқали оилавий шифокорларга бириктирилиб, электрон маълумотлар базаси яратилди. 40 ва ундан катта ёшдаги аҳоли скрининг текширувларидан ўтказилиб, хавф омиллари аниқланди. Беморларга бу борада зарурий тавсия ва маслаҳатлар берилиб, назоратга олинди. Ушбу скрининг текширувлари ўтказилганда кўпчилик саломатлигида учраётган хавф омилларидан беҳабар бўлиб, касаллик кучайган ёки оғир оқибатларга олиб келиши мумкин эди.

Шунингдек, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида профилактика мақтаблари ва соғлом турмуш тарзи хоналари ташкил қилинган. Профилактика мақтабларида сурункали касаллиги бўлган беморлар билан машғулотлар ўтиш, уларни қизиқтирган саволларга жавоб бериш, касаллик асоратларини камайтиришда турмуш тарзи ва тўғри овқатланишнинг аҳамияти тўғрисида маслаҳат ҳамда тавсиялар берилмоқда.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида хизматлар сифатини яхшилашда рақамлаштириш, беморларни рўйхатга олиш, электрон тиббий карта юритиш, шифокор қабулига онлайн ёзилиш, электрон рецетт ёзиш каби омиллар муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, оилавий шифокор йўлланмаси асосида беморларга бепул тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби жорий қилинди. Ушбу тартибга риоя этилмаган ҳолларда, шунингдек, қадропланган пакетга киритилмаган тиббий хизматлар пулли асосида кўрсатилади.

Давлат тиббий суғуртаси механизми жорий этилган ҳудудларда сурункали касалликлар бўйича диспансер назоратидаги беморларга электрон рецетт асосида дорихонадан 11 турдаги дори-дармон бепул берилмоқда. Амбулатор даволаш жараёнида реимбурсация тизими жорий этилмоқда. Бунда асосан, (юрак ишемик касаллиги, юқори қон босими, қандли диабетнинг II тури, бронхит астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги) бўлган фуқаролар шифокор ёздагидан электрон рецетт асосида узоққа бормасдан дори-дармон поликлиниканинг ўзидеги ёки унга яқин жойлашган дорихонадан олиши мумкин.

Реимбурсация инглизча сўз бўлиб, "харажатларни қоплаш" маъносини аналтади. Бу аҳолини дори воситалари билан таъминлашда алоҳида сурункали касалликларни даволаш учун шифокор тавсия этган дори-дармонлар харажати ни мақсадли компенсация қилишни назарда тутати. Даволаш стандартлари кўра, дори-дармонларни истеъмол қилиш ҳар қандай касалликни даволашнинг ажралмас қисми, бироқ сурункали касалликларни амбулатор шароитида узлуқсиз даволаш тизими мукамал эмас. Шу боис, аҳолининг зарур дори-дармондан фойдаланиш имкониятини ошириш мақсадида Реимбурсация дастури амалиётга жорий этилди. Мазкур дастур беморга оилавий шифокор ёздан электрон рецетт асосида дорихоналар орқали дори-дармонни бепул олиш имконини беради. Харажатлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан жамғарма орқали қоплаб берилади.

Бу каби ишлар юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам босқичма-босқич амалиётга жорий этилмоқда. Бунда бирламчи бўғин фаолиятини самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган. Бирламчи бўғинда тиббий суғурта тизимининг йўлга қўйилиши соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблағлар доирасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами улуши ошишига, аҳолининг ижтимоий заиф тоифасини сифатли тиббий хизмат билан қамров даражасини оширишга, аҳолининг тиббий ёрдам учун тўғридан-тўғри тўловларини камайтиришга хизмат қилади.

Халқро тажрибадан маълумки, касалликларнинг қариб 80 фоизини бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида эрта босқичларда аниқлаш ва даволаш мумкин. Давлат тиббий суғуртаси тизимида ҳам бирламчи тиббий-санитария ёрдами ривожлантириш орқали касалликларни эрта аниқлаш, тўғри ташхислаш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатиш чоралари қўрилмоқда. Бу борада тиббий профилактика ва патронаж тизимининг мутлақо янги ҳақиқати яратилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги қарорига кўра, Сирдарё вилоятида тажриба-синнов тарихида давлат тиббий суғурта тизимига босқичма-босқич ўтиш ишлари бошланган эди.

Ўтган йилларда бир қатор натижаларга эришилди. Хусусан, вилоятдаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида 412 та тиббий бригада ташкил қилинди. Ҳар бир тиббий бригада 1 нафар оилавий шифокор, 1 нафар амалиётчи ҳамшира, 2 нафар патронаж ҳамшира ва даядан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирига ўртача 2000 дан аҳоли бириктирилган. Шифокорлик пунктлари, оилавий ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда кундузги стационарлар сони 379 тадан 493 тага кўпайиб, даволанганлар сони 76,4 фоизга ошди.

Шифокор олди куриги хоналари ташкил этилиб, амалиётчи ҳамширалар фаолияти йўлга қўйилди. Ҳамшираларнинг беморларни мустақил қабул қилиши ва скрининг текширувлари ўтказиши натижасида оилавий шифокор юкласини 30-40 фоиз камайтиришга эришилди. Энди оилавий шифокор ахлоқий меъёрларга риоя қилган ҳолда шахсга доир маълумотларни сир сақлаб, ҳар бир бемор билан юзма-юз суҳбатлашиб, касаллик сабабларини аниқлаши мумкин.

Оилавий шифокор фаолиятининг негизидеги беморга тўғри ташхис қўйиш, касалликнинг келиб чиқиш сабабларини топшиш мақсади ётади. Энди бу вазифани ундашлар учун янада кенгроқ имконият яратилиб, қўшимча вақт берилмоқда. Мисол учун, Сирдарё вилоятидаги туман ва шаҳар шифохоналарига оилавий шифокор йўлланмаси билан мурожаат қилиш ҳолати 85,5 фоизга ошди. Натижада тор соҳа мутахассисларига мурожаат қилиш ҳолати 8 фоиз камайган. Шифохоналарга беморларни асосий ётқизиш кўрсаткичи 45 фоиздан 20 фоизгача тушди.

Патронаж ҳамширалар қисқа ўқув курсларида қайта ўқитилди. Улар хомиладорлик, туғуруқдан кейинги даврда аёлларга ҳамда 5 ёшгача бўлган болаларга ўз вақтида сифатли патронаж ёрдами кўрсатиш, хавф омилларини аниқлаш, аниқланган муаммоларни ҳамкорликда ҳал қилишга оид кўникмаларни эгаллади. Беш ёшгача болаларга ўз вақтида патронаж ёрдами кўрсатиш, шифокор олди куриги хоналарида ўсиш ва ривожланиш бўйича скрининг тек-

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ "МАНА, САФИМИЗГА ЮРТИМИЗДАГИ, ЧЕТ ЭЛДАГИ НУФУЗЛИ ОЛИЙГОҲЛАРДА ЎҚИГАН, ЙИРИК КОМПАНИЯЛАРДА ИШЛАГАН ҚАНЧА-ҚАНЧА САЛОҲИАТЛИ ЁШЛАР КИРИБ КЕЛМОҚДА. МЕН УЛАРНИНГ ТИМСОЛИДА, АВВАЛО, ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ ЯНГИ РАҲБАРЛАРИНИ, ХУДУД, ТАРМОҚ ВА СОҲАЛАРНИНГ МОҲИР БОШҚАРУВЧИЛАРИНИ КЎРАМАН", ДЕГАН СЎЗЛАРИ ЧЕТ ЭЛДА БИЛИМ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИБ, ЭЗГУ УМИД ВА МАҚСАД БИЛАН ЮРТИМИЗГА ҚАЙТИБ КЕЛАЁТГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАРГА БЕҚИИС РАҒБАТ БЕРДИ.

Замонавий ижтимоий давлатнинг муҳим хусусияти ижтимоий барқарор ривожланиш бўлиб, бу фуқароларнинг фаровонлиги билан боғлиқ вазият барқарорлигини аналтади. Ижтимоий барқарор иқтисодий шакллантириш замонавий иқтисодий тизимларнинг асосий вазифа ва мақсадларидан бири бўлади. Шу билан бирга, ижтимоий адолат ғояси ижтимоий ривожланишнинг асосий мазмунига айланади.

Ижтимоий адолатнинг замонавий тушунчаси жамиятнинг барча аъзоларига тенг бошланғич имкониятлар, ижтимоий кафолатлар бериш, тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўлашни таъминлаш, ҳар кимга нисбатан камситишнинг олдини олиш ҳамда аҳолининг қашшоқ, камбағал қатлами ва гуруҳларини кўллаб-қувватлаш

тотувлик учун шароит яратишга йўналтирилган сифатнинг амалиётга (ҳаётга) татбиқ этилиши.

Ижтимоий давлат табиатида мос келадиган ишлар кўлами жуда кенг. Таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш, янги уй-жойлар қуриш, аҳолини ичимлик сув ва энергия билан таъминлаш жараёнида қилинаётган ишлар ҳам улар сирасига қиради. Кенг кўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти фуқароларнинг ижтимоий талабларини тўлиқ қаноатлантиришга қаратилган. Шу билан бирга, халқ тараққийига, бирлиги ва бирдамлигига, ҳамфикрлиги ва ҳамжиҳатлигига хизмат қилади. Бу ўз навбатида, ҳамма соҳада тараққийга эллади.

масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланди. Ҳал этилиши зарур бўлган яна қатор масалалар зикр этилди.

**Биринчидан**, мактабгача таълим қамрови 80 фоизга етказилиб, 7 мингдан зиёд янги мактабгача таълим муассасаси ташкил этилади. 2024 йил якунига қадар 6 ёшли болалар мактабгача тайёрлов тизими билан тўлиқ қамраб олинади. Мактабгача таълим тизими ходимларининг ойллик маоши босқичма-босқич ошириб борилади. Бундан кўзланган асосий мақсад — етти ёшгача бўлган бирорта ҳам бола мактабгача чиққунига қадар эътиборсиз ва билимсиз қолмаслиги керак.

**Иккинчидан**, янги мактаблар қуриш, хусусий мактабларни кўпайтириш ва таълим сифатини оширишни назарда тутувчи Мактабларни ривожлантириш дастурини жорий этиш орқали халқ таълими тизимида қўшимча 1,2 миллион ўқувчи ўрни яратилади. 2026 йилга қадар ўқув дастурлари ва дарсликлар илгोर хорижий тажриба асосида тўла қайта ишланиб, амалда жорий этилади.

**Учинчидан**, олий таълим тизимида қамровни 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш давлат эътибори марказида бўлади. Талабаларнинг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида 100 минг ўринли талабалар турар жойлари барпо этилади. Давлат олий таълим муассасалари томонидан босқичма-босқич меҳнатга ҳақ тўлаш, ходимлар сони, тўлов-контракт микдори ва таълим шаклини мустақил белгилаш амалиёти йўлга қўйилади ва улар учун ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоизга туширилади. 2026 йилгача хусусий олий таълим ташкилотлари сони камида 50 тага етказилиб, уларда таълим олаётган талабаларга ҳам 7 йиллик таълим кредити олиш имконияти яратилади. "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали ёшларни нуфузли хорижий олий таълим муассасаларига ўқишга юбориш кўлами 2 баробар оширилади. **Тўртинчидан**, таълимнинг барча босқичидаги муассасалар ва уларнинг ходимлари — боғча тарбиячиси, мактаб



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz\_official

КУЛГИ ОЛАМИДА

Аваз ОХУН:

Қизиқчилик — жиддий санъат

“БАЧКАНА КУЛГИДАН ҲАМ БАЧКАНА НАРСА ЙЎҚ”, ДЕГАН ЭКАН ФАЙЛАСУФЛАРИМИЗ. БАЧКАНАЛИКНИ САҲНАДА ҲАМ, ҲАЁТДА ҲАМ ЁМОН КЎРАМАН. ГАПНИНГ ЛУНДАСИНИ АЙТГАНДА, БИЗНИНГ ДАВРАДА ҚАЧОН БАЧКАНАЛИК ҚИЛИНАДИ? АҚЛИ, КУЧИ, ФАРОСАТИ ЕТМАСА, СОҲАНИ ТУШУНМАСАГИНА ШУНДАЙ БЎЛИШИ МУМКИН”.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Илмий асосланган маълумотларга кўра, кунига ўн дақиқа кулиш умрни бир йилга узайтириши мумкин. Кулиш жараёнида юзимиздаги саксондан зиёд мушак қариш жараёнига фаол қаршилик қилишини, кунига 15 дақиқа кулиш бир ойда 2 кило вазн ташлашга кўмаклашиши мумкинлигини биласизми? Кулги терапияси организмнинг иммун тизимини мустаҳкамлаши ҳақидаги фикрни эса Абу Али ибн Синонинг “Бемор кулаётган лаҳзаларида юз фоиз соғлом одам ҳолатида бўлади!” деган жумласи билан қувватлаш мумкин.

Хизмат қилади. Зеро, қизиқчилик, айниқса, аския жанрида ижод қилиш ҳаммининг ҳам кўлидан келарвермайди. Қизиқчи бўлатуриб Аваз Охун ҳам аския санъатига 30 фоиз тушунар экан. Бунга унинг ўзи бундай изоҳ берди: — Бу — закилик, ақл санъати. Учдан бир қисмини тушунишимдан билавериники, жуда мураккаб санъат. Яна бир гап. Аскиячилар нима учун ўзи гапириб ўзи кулишига кўпчилик тушунмайди. Чунки бу санъатда ижодкор ўша жойнинг ўзида ижод қилади. Гап фавқулодда, ҳозиржавоблик билан топилгани, биринчи марта эшитиб тургани учун аскиячининг ўзи ҳам кулади. Аслида, ҳаёлимга келган дастлабки қизиқ фикрга мен ҳам куламан. Томошбинга эса қанча қулғили бўлмасин, жиддий ҳолда айта оламан, чунки менга янгилик эмас-да бу. Аскияда мана шу имконият йўқ, аскиячи ҳозиржавоб, ҳушёр бўлиши шарт. Шу маънода ҳам аския ноб санъатдир. Жайдари айтаганда, бу ҳам бизнинг миллий брендимиз. Ўзингиз ўйланг, дунё бўйлаб қизиқчилар, қўшиқчилар, театр, кино актёрлари бор. Лекин аскиячилар дунёда йўқ. Балки айрим қўшиқчиларимизда бордир, лекин мен эшитмаганман. Мана, аския билан гурурланадиган жойимиз.

Бироқ айтиш керак, кейинги пайтларда бу санъатнинг даражаси фақат эркаклар даврасига хос бўлиб бораётган. Аслида, аскияни кенароқ ижро қилса ҳам бўлади, чиройли аскиялар кўп. Устозларимиз Муҳиддин Дарвеш, Рустам Ҳамроқулоевни оммавий эшитишан-ку? Юқоридаги қарордан мақсад ҳам шу — миллий аскиячилигимизни сақлаб қолиш. Соф аския соҳиблари мактабини яратиш.

Энг катта бозоримиз — ҳаёт

Шоир айтганидек, машҳурларга осон эмас. Кўплаб одамлар наздида улар бошқача инсонлар. Машҳурлар автобус, метрога чиқмаслиги, кийим олиш учун бозорга бормаслиги, озик-овқатларни оддий дўконлардан харид қилмаслиги, қисқа айтганда, колдузми — осмонда бўлиши позим. Табиийки, Аваз Охунга нисбатан ҳам шундай қарашлар мавжуд. Аммо у бошқа нарсадан кўйинади: — Кўпчилик қизиқчилар “бу қизиқчи экан”, деб ҳазиллашадиган, бачканалик қиладиган одамлар бўлади. Гўё биз уларнинг ҳар қандай гапини кўтаришимиз, ўзига яраша бачканалик қилиб беришимиз керак. Аслида, қизиқчилар жиддий одамлар бўлади, чунки қизиқчилик жиддий касб. Устозларимиз бизга рамзий маънода “Саҳнага чиқмагандан “қостюм”ингни ечиб, ишинг битганидан кейин яна кийиб кетавер”, дейишган. Буни изоҳлашга ҳожат бўлма-с керак. Саҳнадан ташқарида биз ҳам

Бугун муайян маънода кулги терапиясига хизмат қилаётган, бу борадаги меҳнатлари “Шухрат” медалига муносиб қўрилган, оддий ва жиддий инсон, бадий сўз устаси Аваз Азизохун бачканалиқдан холи ҳазилларидаги самимияти ила юртошларимиз қалбига кириб борди. Албатта, бу осонликча бўлмайди. Бунинг учун 11 йил керак бўлди. “Мирзо театр”дан бошланган кулги улашшидек машаққатли фаолият бугун яккагонликда давом этмоқда.

7 ёшдан 70 ёшгача мухлисларга семимли сўз устаси, раҳматли Ҳожибой Тожибоевни эслатувчи Аваз ОХУН (Азизохун) билан суҳбатимиз қизиқчилик, сўз санъатининг нозик жиҳатлари, умуман, қизиқчиликнинг жамиятдаги роли хусусида кечди.

Аскиячилар нима учун ўзи гапириб, ўзи кулади? Ёхуд аския ҳам миллий брендимиз

Ўқувчилик йиллариданок тадбирлар сабаб мактаб саҳнасида тобланган, ҳатто кулдиришга мойил дўстлари билан пулли дастурини намойиш қилган Аваз Охун аслида сўз санъатига қизиқгани ҳолда ўзи истамайгина Тошкент давлат санъат институтининг кўнрок театри режиссёрлиги факультетига ҳужжат топширган. Чунки бу йўналишга талабгорлар камроқ, сўз усталарини етиштириб берадиган алоҳида йўналиш ёки курслар йўқ эди, ҳозир ҳам йўқ. Сўз усталари актёрлик, режиссёрлик маҳоратига қўшиб ўргатилади.

Президентимиз қизиқчилик, аския санъатига алоҳида эътибор қаратадиган бўлиб, сўз усталари жуда хурсанд бўлди, — дейди қаҳрамонимиз. — Сўз усталари эътироф этиляпти. Давлат мукофотлари берилляпти. Айниқса, бу санъат турларини ривожлантириш бўйича алоҳида қарор имзолангани тарихий воқеа бўлди. Устоз қизиқчи, аскиячилар мактаби яратилса, сўз устаси бўламан деган ёшлар ҳар макомга йўргаламайди.

Ҳа, насиб қилса, келаси ўқув йилидан бошлаб қарор асосида Карим Зарипов номидаги Республика эстрада ва цирк коллежиди, Фаргона ихтисослаштирилган санъат мактабиди “аския ва қизиқчилик санъати” йўналиши очилади. Тажрибали ўқитувчилар махсус ўқув дастурлари асосида дарс беради. Бу эса келажакда профессионал сўз усталари, ҳозиржавоб аскиячиларнинг муносиб издошлари етишиб чиқишига

оддий инсонимиз. Қолаверса, қизиқчиликнинг алоҳида китоби, қонун-қоидаси йўқ, ҳаётнинг ўзи тарбиялайди. Шу ўринда устозим Ҳожибой Тожибоевнинг қизиқчилик қилиш учун китоб тўпти шарт эмас, ҳаётни синчков кузатиш кифоя деган гапи эсимга тушди. Бунинг тасдиғини кўп кўрганамиз. Лекин китоб ҳам ўқиш керак, чунки одам китоб ўқигани сари бадий савияси, сўз бойлиги ошади. Тўғри, ҳажвияни ҳаётдан олмас, кўпроқ ҳаётни кузатасиз, ўша замон билан ҳамнафас бўласиз. Бир қизиқчилик санъатида, қўшиқчиликда, театр санъати, кино, умуман, санъатнинг ҳар қандай турлида энг муҳими — драматургия. Бизда ижрочилар кўп, лекин драматургия йўқ, Чунки драматургия

боряпти. Маънавий қашшоқлик, илмсизлик бизни кўп масалаларга енгил қарашга ўргатади қўйляпти. Бу борадаги муаммоларнинг ҳар бирини кулиб билан шивонга олиш ва муайян маънода йўқ қилишга эришиш аввал ҳам, ҳозир ҳам қизиқчиликнинг асосий мақсади.

“Бачкана кулгидан ҳам бачкана нарса йўқ”

Бугун одамларни кулдирсам бўлгани, деб бачканалик кўчасига қираётганлар тобора кўпайиб бораётгани, афсуски, ҳақиқат. Эл ўртасида кишининг ҳурмати йўқолишига олиб келувчи бачканаликни мутафаккирларимиз кескин қоралайди. Хусусан, Носир Хусрав “Қирқ ёшда ҳам ақлу одам бўлмаса, Бўлади ундайни одам демаса”, дейди. Алишер Навоий эса бачканалик одамни беҳуда оворани саргардонликка мубтало қилишини ўқтириб, “Ҳавас бўлса қарига нажувонлик, Ҳижолат зоҳир айлар саргардонлик”, деб ёзади. Бугун ёши бир жойга етса-да, бачканаликдан уялмай, даромад илжинида бу илпатни ўзига эп қўраётганларнинг концертларида ҳам ўриндиклар тўлаётгани ҳайрон қолдиради одамни.

Хўш, бу борада Аваз Охун нима дейди? “Бачкана кулгидан ҳам бачкана нарса йўқ”, деган экан файласуфларимиз. Бачканаликни саҳнада ҳам, ҳаётда ҳам ёмон кўраман. Гапнинг лундасини айтганда, бизнинг даврада қачон бачканалик қилинади? Ақли, кучи, фаросати етмаса, соҳани тушунамасагина шундай бўлиши мумкин”.

Таълим замонавий, тарбия миллий бўлиши керак

— Кейинги пайтда, кўпол қилиб айтганда, миллий гурур йўқолиб бораётти. Биз кўр-кўрона Европага тақлид қилляпти. Шунга одамларни учратаманки, Ўзбекистон телеканалларини умуман кўрмайман, дейди. Ўзимизнинг телеканалларни кўрмасликни обрў ҳисоблайди. Қанақадир мартаба беради бу унга. Очқирқоқ айтадиган бўлсак, шу билан замонавий ўзинча. Тўғри, нимани истеъмол қилиш ҳар кимнинг ўзига ҳавола, лекин қадриятларимизни намоен қилаётган, ўзбекилимиздан фахрланиб томоша қилишга арзидиган каналларимиз ҳам бор-ку. Кўча-кўйда ҳам кўп эътибор бераман, номларнинг ўзида ҳам 70-80 фоиз Фарба тақлид қилляпти. Гўёки шундай ном

Шайхга ёққан репертуар

Ажойиб халқимиз-да. Талайгина “ёзилмаган қондалар”имиз, ўзимизга хос ирим-сиримларимиз бор. Янги туғилган фарзандимизни катталарга оёқ томонидан қўраштишимиз керак, қарзимиз бўлса-да, эрталаб бирова пул бермаслигимиз керак, фалон кунни кир ювмаслик, фалон кунни совқиликка бормаслик, яна қайсидир кунда уйдан уйга бормаслик, эҳ-ҳей, санасанг адоғи йўқ. Бъзан ақлимиз голиб келиб турганда ҳам кўнгилга қўлақ солиб, ирим-сиримларга ўралашиб қоламиз. Исломида эса буларнинг бари бидъат экани айтилади. Аваз Охуннинг ирим-сиримлар билан боғлиқ репертуари шу жиҳатини халққа етказишга хизмат қилади. Қора мушук, ичувчилар, тўйларимизда кузатиладиган ҳолатлар ҳақидаги латифалари айримларимизнинг ҳақиқатан содда, ишонувчанлигимизни ойнадек қўрсатади ўзимизга. Мана шу чиқиши ҳақида сўраганимизда у бундай жавоб берди:

— Бу репертуарни ўзим ҳам жуда яхши кўраман. Қайси маънодаки, бунда ҳам дунёвийлик, ҳам динийлик акс этган. Аслида, диний мавзуда репертуар тайёрлашдан чўчиб тураман. Нега? Чунки яхши бўлмайман. Тўғри, ибодатни қиламиз, Аллоҳдан юзимиз ёруғ бўлишни сўраб, ўзига таваккал қилиб саҳнага чиқамиз. Қизиқчиликнинг ўзи ҳақида ҳам диний уламолардан ижобий фикр эшитман, кўнглим хотиржам бўлган. Яъни одамларни кулдириш керак, фақат яхшиликка хизмат қилса, деган жавобни олганман. Бидъатлар ҳақида ҳам улардан обдон сўраб олиб гапираман. Хайриятки, жуда кўп диний уламолардан, имомлардан, ислонни, динни яхши таниган инсонлардан раҳмат эшитдим. “Биз масжидда мингта одамга гапирсак, Аваз Охун 4 мингта одамга етказиб берди”, деганларини эсласам, кўнглим ёришади. Энг кувонарлиси, бир тўйда бир шайх ароқ ичиш билан боғлиқ латифам учун мени бағрига босиб миннатдорлик билдирган. Мухлислар ҳам илиқ қабул қилган. Лоқал бир киши шу ирим-сиримларнинг бидъат эканини билди, ўзига хулоса олиб кетган бўлса, яхшиликка хизмат қилдим, деб ўйлайман. Бундан ташқари, халқнинг ичига кирганимда шу репертуарим яхши обрў келтирганини сездим, ақсарият ярдощларимиз “хўп гапирибсиз шуни, яхшиликка бўпти”, дейишди. Шу маънода, яна айтилмаган ирим-сиримларимиздан халққа ақин, яъни кундалик ҳаётда кўп қўлланадиганлари ҳақида гапириб, шу мавзуга тақдор қайтсак бўлаверарди. Яхши мавзуга қайта-қайта мурожаат қилсангиз бўлади, фақат янгилик билан.

Ҳеч ким хафа бўлмаган

Суҳбатдошимиздан санъаткорлар бошқа касб эгаларига ҳазил қилганида, улар томонидан қандайдир эътироз бўлган-бўлмагани ҳақида сўрадик. — Тўғри, кўпроқ санъаткорларга ҳазил қилганмиз, лекин шу пайтгача ҳеч ким хафа бўлмади ва бугун ҳам бўлма-с керак. Чунки ҳазил қилганда шахсиятга теамаслик, инсоннинг жузвий камчиликлари устидан кулмаслик зарур. Ким бўлишдан қатъи назар, унга нисбатан ҳазил самимий бўлиши керак. Менимча, самимий ҳазил ҳеч қимнига гашига теамайди. Масалан, Ҳосила Раҳимова, Фарход Саидов, Озодбек Назарбеков, Алишер Файз, Баҳром Назаров ва яна кўп санъаткорларга, бошқа соҳа кишиларига ҳазил қилганмиз. Ҳеч ким хафа бўлмади. Ҳаммаси тўғри тушунади, миннатдорлик билдирган. Чунки ҳеч қачон ҳеч қимнинг шахсияти устидан кулмаганмиз, бундан кейин ҳам кулмаймиз.

Қизиқчиликка ўргатиб бўладими?

Юқорида айтганимиздек, Аваз Охун айнан қизиқчиликка ўқимади. Халқнинг семимли сўз устаси бўлишида унинг болаликдан сўз санъатига қизиқиши голиб келди. Тўғри, институтда ҳам нималарнинг ўрганди, лекин асосан, амагиётда тобланди. Мирзабек Холмедов, Ҳожибой Тожибоев, Обид Асонов, Зокир Очипдиев, Ортик Султоновнинг ҳар бирини ўзига керагини олди. Унинг айтишича, инсоннинг қизиқчиликка мойиллиги болалигидан айтар сўзига кўзи, хатти-ҳаракатидан маълум бўлиб қолади. Қизиқчи бўлса, ҳар қандай касбини ўргата бўлади. Энг муҳими, касбга муҳаббат. Кишида 1 фоиз истеъдод бўлса ҳам, 99 фоиз меҳнат билан уни юзага чиқариш мумкин. Лекин қизиқчинини оғирлиқ билан одамнинг шақлланиши осонроқ бўлади. Айни пайтда Аваз Охуннинг йўлидан келатган умидли шоғирдлари бор, албатта. Улар орасида Дийёрнон Фахриев ва Нодир Қизилдан қаҳрамонимизнинг кўнгли тўқ. — Булар ўзда бор дилетант, имкон қадар ҳаракат қилляпти. Наҳб қилса, инсончимизни оқлайди, — дея фахрланиб сўз устаси.

Концертларим боламдай азиз

Аваз Охуннинг концертлари мухлислар кўпинча оилавий — ота-оналар, ҳатто ёш болалар билан келади. Унинг ягона мақсади ҳам оилавий томоша қилиш, эшитиш мумкин бўлган қизиқчилик мактабини яратиш.

Дарҳақиқат, бугун оилавий кўриш мумкин бўлган кулгили дастурлар бармоқ билан санарли. Серилларни-ку, гапирмаса ҳам бўлади. 18+ белгисининг ақсарият ота-оналарга ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Мана шу муаммоларнинг бари Аваз Охун мавзу тамамлашда гоёт ҳушёрликка ундайди. Бугун қайси масала долзарб? У халққа қанчалик қизиқ? Бунинг учун ҳар қайси мавзунини айтсан, халқ тушунади, юрагига етиб боради, деган савол билан яшаш керак. Эътибор берган бўлсангиз, қаҳрамонимиз репертуарида 5-6 тагача мавзу бўлади, уларнинг бари долзарб, янги. Ҳар бир мавзу 15-20 минут, ярим соатча давом этиши мумкин. Айтмоқчи бўлаётган гапини етказишдаги ўзига хос услуб, ижро маҳорати қалбларга тўғри кириб боради.

— Насиб қилса, бу йил ўнчики марта концерт намойиш қиламиз. Концертларини бир-бирдан ажрата олмайман, чунки ҳар биттаси фарзандимдай азиз бўлиб қолаверарди. Ахир болаларимизни бир-бирдан ажратмаймиз-ку? Бу барометрини тишласам, унис оғрибди, дейишади. Ҳақиқатан, ҳар бирининг ўз ўрни, баҳоси бор. Ҳар бир концертда халқнинг эсида қоладиган 1-2 та мавзу бўлади, шу мавзуга маза қилдик, деб ёради мухлислар. Долзарб мавзуларга ишора қилиб, шуни ниҳоятда тўғри ўйлабсиз, деб қўядиганлари ҳам кўп бўлади. Юқорида айтганимдек, ирим-сирим, қиз устаси, тўй масаласи, бўлар-бўлмас рекламалар қилинганда ҳам ҳақиқатан ҳам қизиқчиликка маъқул бўлаётган экан, ҳар битта концертнинг ўзига яраша зўр нуқтаси бўлади, деб айта оламан.

Муножат МҮМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



машаққатли йўналиш. Яхши асар бўлса, актёр, қизиқчинини топиш муаммо эмас. Шундай экан, биз гапирадиган гапимизни қаердан оламиз? Албатта, ҳаётдан оламиз ва табиий чиқайди. Ҳаётдан олиш учун эса синчковроқ бўлиш керак. Устоз айтадики, ҳаёт — энг катта бозоримиз, сара маҳсулотларимиз ўша ерда.

Жуда кўп мавзуларим бошимдан ўтган воқеалиқлардан келиб чиққан. Самолёт, тўйлар, чет эл билан боғлиқ латифаларим шулар жумласидан. Ўша вазиятларга ўзим тушаганман, оғир ҳолатда қолганман. Лекин томошабин маза қилиб кулади. Аслида, уларнинг замирида катта фожиа, дард, кучли сатир ваётади. Ҳожибой акада ҳам шунга мавзулар кўп, баъзи томошабинлар думалаб қолубдек кулади. Қизиқчининг вазифаси ҳам шу. Сатирга, ҳазил билан жамиятдаги муаммоларни одамларнинг ўзига кўрсатиб, уларни ҳам кулдириб, ҳам йилгатиб тарбиялаш. Бугун ўта тезликда ривожланиш билан бир-га янги-янги муаммоларга ҳам ўралашиб

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК
Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси
Қабулхона: (71) 233-56-33
Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98
E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Ташриятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуриндаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-846.
43690 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.
“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-й.
Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Мусахҳас: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев
Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Ўза Яқуни — 22.00 Тошриғиди — 00.20